



Сайловлар - демократия кўзгуси. Бу муҳим сиёсий тадбир - ҳар бир фуқаро ўзининг сиёсий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун имконият. Мазкур сиёсий ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Сайлов Кодексида ўзи ифодасини топган.

Республикамиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2019 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларга вилоятмизнинг энг чекка тумани - Сухда ҳам тайёргарлик қизғин кечмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ва сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги янгиликлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг сайлов масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, шунингдек сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенг тушунтириш бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш - давр талаби ҳисобланади. Бугун туман ҳокимлигининг мажлислар залида бўлиб ўтган тадбирда иштирокчиларга туман сайлов комиссияси тренери Додхудо Юнусов сайлов қонунчилигидаги янгиликлар ҳақида атрофлича маълумот берди.



Сайлов- бу фукарорларнинг сайлов компаниясида иштирок этиш йули билан сайлаш ва сайланиш ҳукукини амалга ошириш шакли ҳисобланади. Демократик сайловларнинг асосий принциплари умумий, тенг, тугридан-тугри, яширин овоз бериш

Сайлов-бу фукарорларнинг жамият ва давлат ишларида бевосита ва уз вакиллари орқали иштирок этш ҳукуки.

Давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар ягона сайлов кодекси билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг фукарolari давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳукуки эгадирлар. Хар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳукуки, уз хошиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги конун билан кафолатланади (Ўзбекистон Республикаси

Конститутсияси, 117-модда)

2019 йил декабр ойида булиб утадиган сайловларнинг узига хос хусусиятлари:

- сайлов ягона Сайлов кодекси асосида тартибга солинади.

- Олий мажлис Конунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларда 5 та сиёсий партия бевосита иштирок этади.

- Сайловларда иштирок этувчи фукарolar Конунчилик палатаси сайлови буйича 150 сайлов округидан куйилган номзодлар учун овоз беришади.

-Мазкур сайловларда иштирок этувчи сайловчилар сони олдинги булиб утадиган сайловларга нисбатан кўпчиликни ташкил этмокда.

- Сайловларда фукарolarнинг овоз бериш ҳукукини янада кафолатлаш мақсадида ижтимоий ҳавфи катта булмаган унча огир жиноят содир этган шахсларни сайлаш ҳукукини амалга ошириш.

-сайловлар жараёни очик ва шаффоф тарзда ташкил этиш мақсадида фукарolarнинг узини узи бошқариш органи томонидан кузатувчилар иштироки кафолатланиши назарда тутилган

Сайлов кодексини кабул қилиш зарурати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 22-декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида, мамлакатимиз сиёсий

хаётида муҳим аҳамиятга эга булган сайлов конунчилиги бир катор конун ва конуности ҳужжатларидан иборат булсада, афсуски, хунузгача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаганлигини таъкидлаб, халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов Кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифасини қуйган эдилар.

Сайлов кодексидаги янгиликлар:

- Конунчилик палатасида Экоҳаракат вакиллари учун квота ажратил институти тугатилди;
- Номзодларни халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига фуқароларнинг узини узи бошқариш органлари томонидан курсатиш тартиби бекор қилинди;
- Сайловчиларнинг ягона электрон руйхатини юритиш тартиби конунан тартибга солинади;
- Сиёсий партиялар томонидан имзо йиғишида сайловчилар томонидан бир канча партияларни ёқлаб имзо қуйиш имконияти берилди;
- Сайлов участкаларида участка сайлов комиссиясининг овозларини санаш тугрисидаги баённомасининг зудлик билан жамоатчилик муҳокамаси учун 48 соатдан кам булмаган вақти илиб қуйиш тартиби урнатилди.
- Участка сайлов комиссияларининг овоз бериш жараёни тугагандан кейин амалга оширадиган аниқ ҳаракатлари назарда тутилмоқда (овозларни санаш, баённомаларни тузиш, округ сайлов комиссиялари билан узаро алоқалари х.к);
- Участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қуйилди;
- Халқ дупутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида муҳокама этиладиган ва тавсия этиладиган участка сайлов комиссиялари аъзолари номзодлари бўйича жамоат бирлашмалари ва ташилотларининг таклифлари олинishi тартиби урнатилди;
- Сайлов округларини тузишда сайлов округларидаги сайловчилар сонининг йул қуйиладиган энг кўп четга чиқиши ун фоиздан ошмаслиги тартиби урнатилди;
- Фуқароларнинг узини узи бошқариш органларига сайловларда қузатувчи сифатида иштирок этиш ҳуқуқи берилди;
- Конунчилик палатасига , маҳаллий Кенгашларга сайлов бир вақтда утказилган тақдирда, Конунчилик палатаси депутатлари сайловини утказувчи округ сайлов комиссиялари томонидан ягона сайлов участкалари тузиш тартиби урнатилди;
- сайловларда овоз бериш вақти 08:00 дан 20:00 гача этиб белгиланди;
- Сайловчилар Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида сайловчиларнинг руйхати тугрисидаги узи учун керакли маълумотларни олиш имкониятига эга булади.
- Мазкур сиёсий жараёни юқори савияда ва кутаринки руҳда утказиш учун барча сайловчиларга бирдамлик ва ҳамжихатликни тилақдошиман.

Додхудо Юнусов
2019-10-15 00:41:32